

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ
БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА ЧЕТ
ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ



Wenn wir die Sätze nach Satzarten unterscheiden, so heißt das, dass wir uns überlegen, was ein Sprecher mit seinen Sätzen erreichen will. Nach der traditionellen Grammatik gibt es drei Satzarten, die die Absicht des Sprechers ganz grob erkennen lassen: den *Aussagesatz*, den *Wunsch- und Aufforderungssatz* und den *Fragesatz*. Das Aussehen eines Textes kann schon entscheidend davon bestimmt sein, welche dieser drei Satzarten vorwiegt oder überhaupt auftritt.⁷¹

Der Aussagesatz stellt die Normalform der Satzarten dar. Etwas wird festgestellt oder behauptet.

Der Himmel ist blau. Alle Leute sind fröhlich. Sie fahren weg.

Eine Sonderform des Aussagesatzes ist der *Ausrufesatz*. In ihm wird nicht sozusagen objektiv etwas festgestellt oder behauptet, sondern der Sprecher will sein subjektives Empfinden in puncto Bewunderung oder Erstaunen ausdrücken.

Der Himmel ist so blau! Und alle Leute sind fröhlich!

Tauchen also in einem Texte viele Ausrufesätze auf, so kann man sagen, dass der Sprecher irgend-welche Gefühle äußern will. So kann der Sprecher sich auch beklagen. Die Variationsbreite des Ausrufesatzes ist also groß.

Hätt' ich gedacht, als ich mir Wahlheim zum Zwecke meiner Spaziergänge wählte, dass es so nahe am Himmel läge! Wie oft habe ich das Jagdhaus, das nun alle meine Wünsche einschließt, auf meinen weiten Wanderungen, bald vom Berge, bald von der Ebne über den Fluss gesehen!

Ich soll, ich soll nicht zu mir selbst kommen! wo ich hintrete, begegnet mir eine Erscheinung, die mich aus der Fassung bringt. Heute! o Schicksal! o Menschheit!
aus: Goethe, *Die Leiden des jungen Werther*"

ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ ҚОРА РАНГ ВОСИТАСИДА ЯСАЛГАН ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ

Ҳожиева Г. (БухДУ)

Мақола ранглар воситасида ясалган француз фразеологизмларининг ўзбек тилида берилиши ва улар таржумасининг миллий тил хусусиятларидан келиб чиқиб, мисоллар асосида қиёсий таҳлил этилишига бағишланган.

Статья посвящена французским фразеологизмам образованным посредством компонентов цветов и сравнительному переводу в национальном характере узбекского языка.

The article is devoted to the comparative analyses with samples of translation of French phraseological units formed by the means of color in Uzbek.

Ўзликни англаш ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.⁷² Ҳар бир ўрганилган тил эса инсонга янги бир ҳаёт бағишлайди. Шу нуктаи назардан бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз, ўз

⁷¹ Staffeldt P: Syntaktische Struktur und semantische Interpretation von freien relativischen Konstruktionen // 2. Jenaer Semantik-Syntax-Symposium.-Jena, 1988.-S. 85-94. Wilmanns W: Deutsche Grammatik. Dritte Abt., Flexion. 2. Hälfte. Nomen und Pronomen.-Frankfurt/M, 1999.-S. 76.

⁷² Каримов И.А. Юксакмаънавият — енгилмас куч. Т., Маънавият, 2009, 83-б

буюк келажагини бунёд этаётган халкимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.⁷³

Бугунги кун тилшунослиги бошқа даврлардан ўзининг муаммоларга янгича ёндашуви ва ечими билан тубдан фарк қилади. Шу маънода, мазкур хусусият фаннинг муҳим бўлаги ҳисобланган фразеология соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Фразеологиянинг асосини фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)лар ташкил этади.

ФБлар тилшуносликда фразеологизм, фразеологик ёки турғун ибора, фразеологик бирикма ва ибора каби бир нечта номлар билан аталади.⁷⁴

Иборалар ўз ифодаси ва мазмунининг маълум карама-қаршилиги ёки бирлиги асосида юзага келади, шунга кўра фразеологизмларни ўрганиш алоҳида ёндашишни талаб қилади. ФБларни чуқурроқ тадқиқ этиш давомида унинг турли гуруҳ ва бўлимларга бўлиниши кузатилмоқда. Бу эса ФБларнинг ифодаланиши ва тузилишида намоён бўлади.

Француз тилидаги фразеологизмлар, хусусан, ранглар воситасида ҳосил бўлган ибораларни ўрганиш замонавий тилшунослик олдида турган долзарб масалалардандир. Ранглар воситасида ясалган ФБлар фразеологиянинг янги ва энг қизиқарли йўналишларидан бири бўлиб, ибораларни ўзаро қиёслашда олимларнинг фразеологизмлар 3 турли бўлади: фразеологик қўшилмалар, фразеологик бутунликлар, фразеологик чатишмалар⁷⁵ деган фикрларига таяниш мумкин.

Таркибидаги бир сўз тўғри, иккинчи сўз эса кўчма маънода бўлиб, бириккан иборалар *фразеологик қўшилмалар* дейилади. Масалан:

тўғри маънода	кўчма маънода
хордик	Чиқармок
холдан	Тоймок
сўзида	Турмок
назар	Солмок
шарт	Кўймок
бўйи(и)га	Кўймок

Таркибидаги сўзларнинг маънолари ва грамматик жиҳати бирикиб, умумий кўчма маъно берувчи иборалар *фразеологик бутунлик* дейилади. Масалан:

Ибора	ушнинг муқобили
кўкка кўтармок	Мактамок
эти суягига ёпишган	Озгин
бир тану бир жон бўлиб	биргаликда(= ҳамжихатликда)
ўн кўли-ўн хунар	Хунарманд

Таркибидаги сўзларнинг маънолари билан ибора ифода этган маъно ўртасида ҳеч қандай лексик алоқа сезилмаган фразеологизмлар *фразеологик чатишмалар* дейилади. Масалан:

Ибора	ушнинг муқобили
-------	-----------------

⁷³ Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т, Ўзбекистон, 1998, 8-б.

⁷⁴ Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Фил.ф.док. дис.: 10.02.02. Ўзб.ФА тилшунослик институти, Т., 1991, 270-б.

⁷⁵ Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. Т., Шарк, 2010, 79 б.

сичқоннинг инини ижарага олмоқ	қочиб кутулгани жой тополмай қолмоқ
темирни қизигида босмоқ	фурсатдан фойдаланмоқ
бир ёкадан бош чиқармоқ	хамжихат бўлмоқ

Юқоридаги фикрларга таяниб, француз тилида куйидагиларни *фразеологик қўшилмага* намуна сифатида бериш мумкин:

1. **Faire** (ўз маъносида — қилмоқ, бажармоқ) **du marché noir** (кўчма маънода — чайқовчилик, олиб-сотарлик) ибораси фразеологик таржимада “**чайқовчилик (ёки олиб-сотарлик) қилмоқ**” маъносини ифодалайди.

Мисол: Ce jeune homme qui s'appelle Alfred fait du marché noir. — Алфред исмли бу ёш киши чайқовчилик билан шуғулланади.

2. **Idées** (ўз маъносида — хаёл, ўй, фикр) **noires** (кўчма маънода — мудҳиш) ибораси қора ранг воситасида ясалган, салбий бўёқдорлик хусусиятини англатувчи ФБга мисол бўлади. Мисол: Les idées noires s'attiraient de M.Dupon. — Мудҳиш хаёллар жаноб Дюпонни ўз домига тортарди.

3. **Regard** (ўз маъносида — қараш, нигоҳ) **noir** (кўчма маънода — ола, қахрли, ғазабнок, ўқрайиб). Тилда “noir” — “қора” рангни билдиради. Аммо ибора таркибидаги сўзлар яхлит маъно — “**ола қараш; қахрли, ғазабнок нигоҳ**” маъноларини ифодалалашга хизмат қилган. Шунингдек ФБнинг “regarder qqn d'un oeil noir” (бировга қахрли нигоҳ ташламоқ, ола қараш қилмоқ) шаклидаги феълли бирикма кўриниши ҳам мавжуд. Бунда иборанинг лексик ва грамматик таркиби ўзгаради, аммо маъноси ўзгармайди.

Мисол: Tous lui regardaient d'un oeil noir. — Ҳамма унга ғазаб билан қараб турарди.

Француз тилидаги ибораларнинг ўзбек тилидаги таржимасида ранг-тус билан боғлиқ сўзлар қатнашмаган бўлса-да, ФБлар миллий тил хусусиятидан келиб чиқиб, муносиб ўгирилган ва тилимизнинг ибораларга нақадар бой эканлигидан далолат беради.

4. “**Pied noir**” фразеологизми метонимик йўл (бутуннинг қисм, қисмни бутун билан ифодалаш) асосида ясалган бўлиб, лексик таржимада “қора оёқ”, ибора сифатида “**келиб чиқиши жазойирлик француз**” маъносини ифодалайди. Мисол: Ousman est un pied noir. — Усмон — келиб чиқиши жазойирлик француз.

5. *Фразеологик чатишмага* “**aller du blanc au noir**” ибораси мисол бўлиб, лексик таржимада у “окдан қорага бормоқ” маъносини, фразеологик таржимада эса “**ўзини ҳар томонга урмоқ**” мазмунини англатади. Берилган мисолда бирикма таркибидаги рангни билдирувчи сўзлар ўзаро антонимдир (blanc-ок, noir-қора), аммо ранглар феъл билан бирикиб, ФБ ҳосил қилади. Яъни сўзлар мазмуни билан ибора ифода этган маъно ўртасида ҳеч қандай лексик алоқа йўқ ва фақат фразеологик аҳамият касб этмоқда.

<https://buxdu.uz> a mère va du blanc au noir pour nourrir ses enfants orphelins. — Оқ
етим болаларини боқиш учун ўзини ҳар томонга урарди.

6. “Noir sur blanc” ибораси ҳам шу жумладан бўлиб, лексик таржимани
“қора устида оқ”, фразеологик жиҳатдан эса “ёзма; расмийтчилик учун”
маъноларини англатади. Мисол: Il faut le mettre noir sur blanc dans le compte-
rendu. — Уни расмийтчилик учун ҳисоботга киритиш керак.

Юқоридаги ибораларда французларга хос бўлган бир маънонинг ини
тушунчалари асосида ФБ ясаш хусусиятини яққол кўриш мумкин.

Фразеологик чаттишмалар таржимасида рангни ифодаловчи сўз
мавжуд эмас, аммо бу уларнинг моҳиятини бузмайди, аксинча, ҳолатни аниқ
эйтиришда кучли бўёқдорлик касб этади.

ФБ ларни ўзаро қиёслаган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Фразеологизмлар семантик нуқтаи назардан уларни ташкил этувчи
бўлакларнинг қўшилиш даражасига бутунлай ё қисман асосланиши, ёки
умуман боғлиқ бўлмаслиги мумкин.
2. ФБлар таржимада ҳар доим ҳам фразеологизмлар билан ифодаланмай,
ибора мазмунига яқин бошқа сўз, сўз бирикмалари ёки гап билан ҳам
ўгирилиши мумкин.
3. Баъзи ҳолларда ФБларнинг лексик ва грамматик таркиби ўзгаргани
билан, маънолари ўзгармайди.
4. Фразеологизмларни ҳосил қилишда ўхшатиш (метонимия, метафора)
усулларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. Т., Шарқ, 2010.
79 б
2. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., Маънавият,
2009, 83-б
3. Каримов И.А. Баркамолавлод — Ўзбекистон тараққиётининг
пойдевори. —Т, Ўзбекистон, 1998, 8-б.
4. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабийтилида лексик ва
фразеологик норма муаммолари. фил.ф.док...дис.: 10.02.02.
Ўзб.ФАТилшунослик институти, Т., 1991, 270-б.
5. Dictionnaire LAROUSSE Maxipoche, Paris, 2011
6. Gak V.G., Ganchina K.A. Nouveau dictionnaire français-russe. M., 2010

Chaitova G. (BSU) Die Probleme der Übersetzung	125
Chaitova M. (Student, BSU) Machmudova M. (BSU) Die Gliederung des Satzes in Wortgruppen und Satzglieder	127
Хожиева Г. (БухДУ) Француз тилидаги фразеологизмларнинг ўзбек тилида берилиши	129
2-БЎЛИМ. ТАРЖИМАШУНОСЛИК, АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ	
Ashurova Sh. (QarDU) Tarjimada obrazli birikmalar	133
Адизова О. (БухДУ) Алишер Навоий дostonларини тадқиқ қилишда А.Қаюмовнинг маҳорати	135
Адизова О. (БухДУ) “Алишер Навоий” Азиз Қаюмов талқинида	137
Achilova D. (BuxDU), Bobokalonov P. (BuxMTI) La tolérance et degré d'ouverture des textes littéraires	138
Bobokalonov O. (UEB) Sodiqov M. (étudiant, UEB) Theme d'amour dans la littérature française	141
Бобокалонов П. (БухМТИ) Ўзбекona толeрантлик – одилona сиёсат	145
Ёқубов Ж. (ЎзДЖТУ) Таржима санъатининг ўзига хос муаммолари	148
Жўраева М. (БухДУ) Сатторова Г. (талаба, БухДУ) Лингвомаданий ёндашув хақида	153
Камалова М. (ТГЭУ) Формирование культуры речи и речевого этикета	156
Камалиддинова В. (БухДУ) Инглизча исмлар тарихидан	160
Касимова Р. (БухДУ) Этнографизмлар ва уларнинг турлари	162
Кулдашева Н. (БухДУ) Мукобилсиз лексика хақида умумий тушунча	165
Кулдашева Н. (БухДУ) Француз адаблари асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши	167
Мизропова Ж. (БухДУ) Трагедиянинг ўзбекча таржималари хусусида	169
Murodova T. (QarDU) Badiiy tarjima va uning muammolari	171
Niyozova M. (QarDU) Tarjimada personajlarning nutq xarakteristikasi (A.Segresning “Barhayot o’liklar” asari misolida)	173
Норова М. (БухДУ) Инглиз тилидаги фразеологизмлар таржимаси	175
Расулова М. (БухДУ) Замонавий техник таржима муаммолари: глобаллашув ва freelance	177
Расулова З. (БГУ) Художественный текст и его переводов личностными змерении	179
Rasulov Z. (BuxDU) Akramov I. (talaba, BuxDU) Frazelogizmlar tarjimasiga doir	185
Тешабаева Д. (ЎзДЖТУ) Радионуткда қўлланувчи лисоний воситалар	187
Тешабаева Д. (ЎзДЖТУ) Икрамова С.(ЎзДЖТУ)Дунё манзарасида лисоний манзара тушунчаси	190
Fattayeva G. (Buxoro Neft va gaz kolleji) Ingliz tili tarjimonligida interferensiya hodisasi	193
Xudoyberdiyev S. (BuxDU) Texnik tarjima masalalari	195